



ТОШКЕНТ ОҚШОМ



ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЕСИЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 84 (9.581) 2001 йил 20 июль, жума ◆ Сотувда эркин нархда

XVI сағоси
Хаср Барча маблардан
олинган сўтги хабарлар

Мамлакатимизда

- Кишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси Банклари уюшмасида «SuTeCo» Ўзбекистон-Сингапур қўшма корхонаси иштирокида Япония «RISO KAKAKU CORPORATION» компаниясининг «Ризография» технологияси тақдимоти бўлиб ўтди.
- Тошкентда «Ўрта махсус, касб-хунар таълими ислохоти: тажриба ва муаммолар» мавзусидаги халқаро анжуман якунланди.
- Асакада фаолият юритаётган биринчи ўзбек автомобиль заводи ишга тушганига беш йил тўлди.
- Халқ таълими вазирлигида АҚШ пойтахти Вашингтондаги нуфузли Жорж Мейсон университетидега ўтказилган ёш математикларнинг 42-Халқаро олимпиадасида совринли ўринларни қўлга киритиб қайтган олти нафар ҳамюртимиз ва уларнинг муаллимлари билан учрашув бўлиб ўтди.
- Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Баддий академиясининг кўргазмалар залда «Шу азиз Ватан — барчамизники!» мавзусида ташкил этилган бу галги фестивалда Фарғона вилояти, унинг заҳматкаш халқи ҳаёти, иқтисодиёт, маданият, илм-фан соҳасида эришган ютуқларини кўз-кўз қилувчи катта кўргазма очилди.
- Каттакўргонда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бўлими томонидан уюштирилган стоматологларнинг илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

10 Шу азиз Ватан — барчамизники!

Тафаккурни ўзгартирган ўн йил

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳри Маънавият ва маърифат Кенгаши шу мавзуда илмий-амалий семинар ўтказди.

Мустақиллик йиллари халқ онг-тафаккури, тушунча-мафкурасини янгилади. Биз бутунлай бошқача — эркин, ҳур, замонавий, яратувчиликка йўналтирилган дунёқарашга эга бўлдик.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши масъул котиби А. Болиев, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, Маънавият ва маърифат шаҳар Кенгаши расисининг ўринбосари Р. Ақромовларнинг сўзида шу нарса алоҳида таъкидланди.

«Ўзбек менталитети: кеча ва бугун», «Миллий мафкурани шакллантиришда маънавиятнинг ўрни ва мавқеи», «Мустақиллик ва ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий қадриятларимиз», «Диний ақидапараситликка қарши курашда нақшбандия тарикатининг аҳамияти» мавзусида М. Бекмуродов, А. Маврулов, Х. Одиқориев, С. Олим каби олимларимизнинг маърузалари айнан қайси-қайси соҳаларда фикр ўзгаришлар қучлироқ юз бераётганини аниқлаштириб олиш имконини берди.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Мустақиллигининг ўн йиллиги олдидан Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда айна шу мавзуда илмий-амалий семинарлар ўтказишни режалаштирди.

Мурод ҲОШИМОВ

Пойтахтимиз янада гўзаллашади

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллигини муносиб кутиб олиш ва нишонлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлаш арафасида ободонлаштириш ойлигини ўтказиш ҳақида» қарор қабул қилди.

Унга мувофиқ 2001 йил 25 июлдан 25 августгача Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва санитар тозаланиш таъминлаш ойлиги ўтказилади.

Ободонлаштириш ва санитар тозаланиш ойлигини ўтказиш шаҳар ҳайъати ва ойлик давомида бажариладиган тадбирлар режаси тасдиқланди.

Ободонлаштириш бош бўлимида зиммасига 10 кун муддат ичида байрам тадбирлари бўлиб ўтадиган майдонлар ва шаҳарнинг марказий кўчаларидаги ободонлаштириш ишчоларини тартибга келтириш, қонирли санитар ҳолатни таъминлаш ва ташқи безаш ишларини амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва бажарилишини таъминлаш вазифаси топширилди.

Тошкент шаҳар туманлари ҳокимлигари:

туманларда ободонлаштириш ва санитар тозаланиш ойлигини ўтказиш ҳайъатини тузиш ва бажариладиган тадбирлар режасини тузиб тасдиқлаш;

ободонлаштириш ва санитар тозаланиш ойлиги давомида меҳнат жамоаларини ва маҳалла кўмиталарни бошчилигида аҳолини кенг жалб қилган ҳолда ободонлаштириш ва санитар тозаланиш ҳаётларини уюштириш;

бир ҳафта мобайнида туман ҳудудида жойлашган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, мулкчилик шаклидан қатъий назар ободонлаштириш ва санитар тозаланиш таъминлаш учун чегаралари кўрсатилган аниқ

бир ҳудудни бириктириш; туман ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотларнинг автотранспорт воситаларини ҳаётларда тупланган чиқиндиларни олиб чиқиш кетиш ишларига жалб қилишни юклатиш вазифалари топширилди.

Тошкент шаҳар ҳудудий-коммунал фойдаланиш бирлашмаси зиммасига кўп қаватли уйлар жойлашган мавзелада ободонлаштириш ва санитар ҳолатини яхшилаш чораларини кўриб, экология ва тозаланиш назорат этувчи миллиянинг алоҳида батальони томонидан мавжуд санитар қондаларга риоя қилинишининг назоратга олинишини таъминлаш топширилди.

Тошкент шаҳар «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси зиммасига ойлик давомида маҳаллалар аҳолисини ободонлаштириш ва санитар тозаланиш бўйича уюштирилган ҳаётларда фаол катнашишини таъминлаш юклатилди.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими зиммасига ободонлаштириш, санитар тозаланиш ойлиги давомида ёшлар орасида тарғибот ишларини олиб бориб, уларни ободонлаштириш ишларида фаол катнашишини таъминлаш топширилди.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари тарғиботида ободонлаштириш ва санитар тозаланиш таъминлаш ойлиги боришини узлуқсиз ёритиб бориш топширилди.



4-таъмирлаш-қурилиш бошқармасининг бўёқчиси Гўзал Харисова чорак асрдан буён қурилишда меҳнат қилади. Шу кунларда у Собир Раҳимов туманидаги 1-юкумли касалликлар шифохонасидаги таъмирлаш ишларида фаоллик кўрсатиб ишламоқда.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

● Шаҳзода САЪДИЕВА, «Турон атласи» хусусий фирмаси раҳбари:

— Қуни кеча Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярами якунларига бағишланган йиғилишидаги Юртбошимизнинг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳақидаги гаплари биз тадбиркорларни, иқтисодиёт ривожига янада муносиб ҳисса қўшишга ундади.

Президентимиз хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиёт ва давлат тараққиётига, шу билан бирга миллий фаровонликка эришиш йўлидаги ишлар самардорлиги беvosита таъсир кўрсатишини дунёдаги энг ривожланган, жаҳон иқтисодиётида етакчи мавқега эга бўлган айрим мамлакатлар тажрибаси мисолида аниқ тушунириб берди.

Ўрта ва кичик бизнеснинг меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан

Дилимиздаги гаплар

таъминлашдаги, ишсизликнинг олдини олишдаги роли ҳам алоҳида таъкидланди. Шу муносабат билан мен тадбиркор сифатида яратилган имкониятларга жавобан ҳозирда корхонамизда 20 нафар ишчи меҳнат қилаётган бўлса, йил охиригача уларнинг сонини 2-3 баравар ошириб айнақса, хотин-қизлар учун қўшимча иш ўринлари яратиш ниятидаман. Маҳаллий хом ашёдан сифатли махсулот ишлаб чиқаришни, уни жаҳон бозорига ҳам сотишни режалашганимиз. Бу албатта, бизнинг тадбиркорларга кўрсатилаётган ғамхўрликларга амалий жавобимиз бўлади.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА — МУҲИМ ЭЪТИБОР

Тошкентда пойтахт фаолларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамоат тартибини сақлаш масалалари муҳокама қилинди. Йиғилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ходимлари, маҳаллаларнинг оқсоқоллари, посбонлар, профилактика бўлиmlарининг нозирлари, жамоат ташкилотлари-

нинг вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишда ўсиб келаётган авлод тарбияси масалаларига, диний экстремизм, гиёвандликка қарши кураш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ана шу муҳим ишда барча тошкентликларнинг фаол иштирок этиши кераклиги йиғилишда сўзлашларнинг чиқишларида алоҳида таъкидланди.

Қисқалда

□ **ШАҲРИМИЗДАГИ** шарбатлаш ишлаб чиқаришга иxtисослашган «Гринволд» Ўзбекистон — АҚШ — Жанубий Корея қўшма корхонасига иш самардорлигини оширишга хизмат қиладиган қиймати 950 миң долларлик энг замонавий хорижий технологиялар келтирилди. Эндиликда шарбатларни металл идишларда қадоклашга мослашган ушбу қўшма корхонанинг иқтисодий салоҳияти янада ортади.

□ **СОБИР** Раҳимов туманида туман ҳокимлиги ташаббуси билан корхона-ташкилотлар вакиллари, маҳаллалар оқсоқоллари ва фаоллари иштирокида мамлакатимиз қалам аҳли — шоирлар, ёзувчилар билан ўтказилган иждоий учрашув истиқлолнинг 10 йиллигига бағишланди.

□ **БЕКТЕМИР** туманида назоийиш этилган меҳрга муҳтож болажонлар томонидан яратилган расмлар кўргазмаси «Мен келажакни қандай тасавур қиламан?» деб номланди. Истиқлолнинг 10 йиллигига совға сифатида Бектемир туман ноғирон болаларни реабилитация қилиш маркази ташаббускорлигида ўтказилган ушбу кўргазмадаги энг сара асарлар Лондонда намоий этилиши йўлжалланган халқаро кўргазмадан жой олади.

□ **ОНАЛАР** ва болалар йили муносабати билан Яққасарой туманидаги 250-боғчада ЭКОСАН жамғармаси, туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида тумандаги боғчалар раҳбарлари, тарбиячилару тарбияланувчилар, ота-оналар иштирокида ўтказилган илмий-амалий семинар «Она, бола ва экология» деб номланди.

Жаҳонда

● Беларусь Президенти Александр Лукашенко бу ерга келган Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзиньин билан музокаралар олиб борди.

Бугун Хитой давлатининг раҳбари Молдовага келади.

● Непал Бош вазири Гириша Прадас Койрала истеъфога чиққанлигини маълум қилди. 78 ёшли мулозим ўз истеъфоси сабабларини мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг таранглашуви билан изоҳлади.

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан Ҳиндистон ва Покистон раҳбарларининг юзма-юз мулоқотларини юқори баҳолади. Мақзур мулоқот натижасиз туғанган бўлса-да, икки давлат намоёндаларининг учрашуви катта гап, деди Бош котиб.

● **Бугун** Геняяда «катта саккизлик» саммити очилди. Саммит 22 июлга қадар давом этади.

● **Кеча** Ереванда Арманистон Президенти Р. Кочарян ва Россия Бош вазирининг ўринбосари И. Клебанов ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Улар шу йилнинг кузида Россия Федерацияси Президенти В. Путиннинг Арманистонга қилидиган ташрифига тайёргарлик масалаларини муҳокама этдилар.


● **Бугун** Индонезияда мамлакат парламенти Президент А. Воҳидинг импичменти хусусидаги масалани кўриб чиқди.

● Халқаро Олимпия кўмитасининг фахрий президенти Хуан Антонио Самаранч Москва сафаридан қайтган Лозаннадаги шифохонага «кучли толиқиш» ташхиси билан ётқизилди.

● Россия Бош вазири Михаил Касьянов хориждаги россиялик мухожирларнинг ўз юртига қайтариш учун ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш кераклигини ургулди.

● **Кеча** Озарбайжонда Қорабўғ урушининг бир неча ноғирони ўларнинг пенсияларини оширишни талаб қилиб чиққан тадбирда иштирок этганлиги учун турли муддатдаги қамқоз жазосига ҳукм қилинди.

● Италия Бош вазири Сильвио Берлусконига қарашли телеканалларнинг бирида портлаш юз берди. Натижада бир нафар киши жиддий жароҳатланди. Бу портлаш катта иқтисодий зарарга сабаб бўлган. Содир этилган жиноят сабаблари ҳалигача аниқланмаган.



Зуннур Фабиров ўз умрини кўприклар куришига бағишлаганлардан. У меҳнат қилаётган 13-кўприксоzлик бирикмаси пойтахтимизда бунёд этилган ва бунёд этилаётган ноёв иншоотлар курилишида фидокорона меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: кўприксоz Зуннур Фабиров. Эркин Ботиров олган сурат.

САЛОМАТЛИК

Шифобахш қурилма

Намлик тарқатувчи ингалятор қурилма маиший хизмат кўрсатиш жараёнларида кенг қўлланилмоқда. Улар айниқса хоналарни чанглардан тозалашда ҳамда мўътадил хавони тарқатишда қўл келаетир.

Тошкентдаги «ПГС» фирмаси мутахассислари изланишлари натижаси ўлароқ юзага келган бу мураккаб асбоб эндиликда соғлиқни сақлаш тизимида ҳам ўзига йўл топди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг эндокринология институтига соғва қилинган ингалятор қурилма буюқ касалликларини даволашда шифокор қўлида ишончли асбоб бўлиб хизмат қилмоқда.

Эндиликда фирманинг бу хил асбобини республика фтизиатрия ва пульмонология илмий текшириш институтида ҳам учратиш мумкин. У нафас йўллари касалликларини даволашда шифобахш қурилма сифатида қўлланилмоқда.

Анвар АЪЛОЕВ

Сўранг, жавоб берамиз



Мен ўзимга тегишли бўлган автомашинами ўғлимга ҳадя этмоқчи эдим. Бу масалада кимга мурожаат этишим керак?

А.Алиев.

Бу масалада сиз ўзингизга яқин бўлган нотариал идорага мурожаат этиб, автомашинангизни фарзандингизга ҳадя этиш учун: а) машинанинг техник паспорти, фарзандингизнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси (агарда автомашина никоҳ даврида олинган бўлса турмуш ўртоғингизнинг розилиги) паспортларингиз билан мурожаат этишингиз мумкин.

Менинг укам билан турган уй-жой отамиздан бизга мерос қилиб қолдирилган, уй-жойни инвентар плани битта. Ҳозирги кунда ҳар иккаламининг оиламиз бошқа-бошқа бўлгани учун уй планини алоҳида қилиб олмақчи эдик. Бунинг учун нима қилишимиз керак?

Б.Раҳимов.

Мерос хонадонни уқангиз билан ўзаро келишиб бўлиб олган бўлсангиз, ўзингиз яшаётган тумандаги нотариал идорага мурожаат этиб, турар жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақида шартнома тузилади.

Бу шартномага асосан уй-жойингиз жойлашган туман «Уй-жой назорат инспекцияси» — (БТИ) уй планини алоҳида қилиб беради.

Менинг ҳадемай тўйим бўлади. Бўлгуси турмуш ўртоғим мени ўз фамилиясига ўтказмоқчи. Лекин менинг фамилиям ўзимга жуда ҳам ёқади. Хайронман, нима қилсам экан-а?

Ф.Турсунова.

Оила куришда энг муҳим нарса аввало меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат ва иззат туйғуси. Қолаверса Оила коллексимизда ҳам оилавий муаммолар ечими батафсил кўрсатиб ўтилган. Хусусан унда:

«Никоҳ тузиш вақтида эр ва хотин ўз хоҳиши билан эри ёки хотинининг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлайди ёки уларнинг ҳар бири никоҳгача бўлган ўз фамилиясини сақлаб қолади», дейилган алоҳида модда бор.

Мактабни битирганимдан сўнг уқаловчи (массажчи)лар тайёрловчи курсга қатнадим. Касбимни жуда севаман. Лекин тўйдан кейин бу касбингни ўзарттирасан дейишяпти. Ўзимни ҳимоя қилишга ҳуқуқим бормикан?

Д.Тошматова.

Оила кодексининг 22-моддасида баён этилган: «Эр ва хотиннинг ҳар бири машғулоти тури, касб ва туриш ҳамда яшаш жойини танлашда эркиндир», деган сўзлар ўзингизни ва касбингизни ҳимоя қилишда қафолат беради.

Фарзандим бир ёшга тўлгандан сўнг, ноилжлик дан ишга чиқдим. Боламга иккинчи йил учун нафақа тўланмади. Шу тўғрими?

Г.Усмонова.

Меҳнат кодексининг 234-моддасига асосан фарзандингиз икки ёшга тўлгунча нафақа тўланиши керак. Ишхона ўртасида низо бўлса, сиз яшаётган туман судига даъво аризаси беринг, улар ҳал қилишади.

Жавоблар Юнусобод туман 6-Давлат нотариал идораси нотариуси Икром ИСМОИЛОВ ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Улуғ бобомизга эҳтиром

Тошкент трактор заводи худудида жойлашган «Коагулянт» очик турдаги акционерлик жамиятида улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳайкалини яратиш ишлари ниҳоясига етди.

Бўйи 8,5 метр, оғирлиги қарийб 20 тонна бўлган ҳайкал шоир номи билан аталувчи Навоий шаҳридаги боққа, шоирнинг ва шаҳарнинг юбилейи муносабати билан ўрнатилади.

Ҳайкал муаллифлари — таниқли ҳайкалтарошлар, Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати Анвар Раҳматуллаев ва Павел Подосинников, архитекторлар Рем Адиллов ва Баҳром Абдуллаевлардир.

— Биз ўз асаримизда дунёга машҳур бобомизнинг сўнмас тимсолини муҳассас этишга ҳаркат қилдик, — дейди А.Раҳматуллаев. — Унинг донишмандлиги, маънавий иродаси, интилишларининг нақадар софлиги ва олижаноблигини, шоирнинг тафаккур ривожини ифодалаш — ҳайкалнинг бош гоёси ҳисобланади.

— Менимча ижодий жамоанинг улуғвор ёдгорлик яратиш режаси муваффақиятли амалга ошган, — дейди Навоий шаҳри ҳокими Бахтиёр Хамдамов. — Мен ёдгорликнинг нусхасини яратилишдан то у тўла юзага келгунига қадар бўлган жараёни кузатиш бахтига муяссар бўлдим. Шунинг айтишим керакки, бу жараён осон бўлмади. Шу билан бирга шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам бу ишда катта ҳиссаси бор.

«Коагулянт» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти

«ТТЗ» ДХЖ куюв корхонасидаги участкани ижарага олган, корхона энергия узатиш тизими билан таъминлайди.

— Барча шароитларни яратиб берган завод раҳбариятидан миннатдоримиз, — деб таъкидлайди «Коагулянт» бошқаруви раиси Геннадий Гандиль. — Ахир худди шу майдонда яратилган Тошкент ва Самарқанддаги буюқ соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳайкали, Тошкентдаги Улуғбек, Абу Али ибн Сино, Бердақ ҳайкаллари, Андижон ва Тошкентдаги Мотамсаро она ёдгорликлари шулар жумласидандир.

Бронза қуймаларини тайёрлашда ижрочи директор Фахриддин Нуриддинов, рангли қуйма участка бошлиғи Василий Нехорошков, қуювчилар Сергей Лужников ва Василий Генг, қолипловчи Михаил Сидоров ва Рамиль Гарифуллин, металл эритувчи Олег Шабарин, корхона бошлиғи Александр Бородайларнинг меҳнати катта бўлди.

Ёдгорлик тажриба-ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш корхонаси билан ҳамкорликда яратилди. Комбинат директорининг ўринбосари Бердимурот Шарипов ва бригада пудрати усулида ишловчи унинг укалари зарб қилувчи-йиғувчилар Сеидмурод, Зиёдмурод ва Фуркат, шунингдек, пайвандчи Пётр Даниловларнинг бу ишга қўшган ҳиссалари бебаҳодир.

Ҳадемай Алишер Навоийнинг улуғвор ҳайкали Навоий шаҳрида тантанали равишда очилади.

ХУСАН БАРОТОВ

ФАН

Кенг қўламли тадқиқотлар

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Астрономия институти мамлакатимизда эмас, балки бутун Марказий Осиёдаги энг кекса илмий муассаса ҳисобланади.

— Ҳозирда илмий ходимларимизнинг ёши ҳамда олиб бораётган тадқиқотлар мавзуларининг долзарблиги жиҳатидан институтиимизни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг энг ёш илмий текшириш даргоҳи деб айтиш мумкин, — дейди Астрономия институти директори Шухрат Эгамбердиев. — Зеро, бизнинг илмий фаолиятимиз камолотида мустақиллик йиллари муҳим аҳамият касб этди.

Шу давр ичида институтиимизнинг халқро алоқалари ҳам кенгайди. Бу ҳамкорлик туфайли қўл урилган қатор тадқиқотларимиз хорижда ҳам эътироф қилинмоқда. Майданга тоғининг баландлигига жойлашган обсерваторияда 1996 йилдан буён халқро ҳамкорлик натижаси

ўлароқ галактикадан ташқаридаги тадқиқот манбалари — гравитацион линзалар, квазарлар ва фаол ядроли галактикаларнинг замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида мониторинг ишлари муваффақиятли ўтказилмоқда. Юлдузлар пайдо бўлиш соҳаларидаги ёш юлдузларни ўрганиш, галактик астрономия ва космогониянинг ноҳизиқли масалаларини таҳлил қилиш ҳам қўрилган натижаларни бермоқда.

Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон фани: ўтмиши, бугуни, келажаги» деган мавзуда уюштирилган республика илмий-амалий конференциясида қатор муҳим хизматлар ҳақида батафсил фикр юритилди.

НИЛУФАР АБДУРАҲМОНОВА

ТАЪЛИМ

Лицейда «Интернет клуби»

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими томонидан ўтказилган танловда Ўзбекистон Миллий университети ҳузурдаги профессор Саъди Сирожиддинов номидаги академик лицейнинг иқтидорли ўқувчилари ҳам фаол иштирок этдилар.

Ўқув юртининг битирувчи толиби илмлари Зоҳир Мирзаев, Шухрат Қирғизбоев ва Акмал Файзиёвлар эса бу нуфузли танловнинг ғолиби бўлиб, махсус грантни қўлга киритишди. Гап шундаки, бу изланувчан ва ижодкор ёшлар «Интернет клуби» лойиҳасини яратиш устида жиддий иш олиб боришди. Бу эса лицейни халқро Интернет алоқа тизимига улаш учун муҳим техник негиз бўлиб хизмат қилди.

Мазкур клуб ташкил топиши билан лицейнинг хориждаги қатор билим юрти ҳамда кутубхоналар билан улашиши таъминланди. Камиди иккита чет тилини билган ва компьютер қурилмаларини бошқаришни эгаллаган ёш истеъоддорлар аъзо бўлган «Интернет клуби» яқинда «Ёш академик» кўп нусхали газетасини чиқаришга киришди.

АКБАР АЛИЕВ

Жума

27

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Айбобот»...

23.00 «Айбобот» 23.35-23.40 Ватан тинсолари...

10.20 «Олава атланг гуллари» 11.40 «Бунларга» болаларга...

8.55 Кўрсатувлар дастури 9.00 «Давр» Айбобот дастури...

17.20 Кўрсатувлар тартиби 17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара»...

15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИСИ 15.55 Кўрсатувлар тартиби...

9.00 Дастурнинг очилиши 9.05, 11.30 «Телемаксор»...

5.00 «Яйраги тоғи» телеканали 8.00, 11.00, 14.00 Янгилликлар...

23.05 Тунги кинозал А. Кайдалановий «Тан соҳисин» фильми...

7.00, 8.00, 13.15 «Кундан кунга» 7.45, 21.45, 23.40, 02.25 Йўл назорати...

16.00 «Бугун В. Крикович билан» 16.30 «Мен ҳаммасини биламан»...

7.00 Мультфильмлар 7.30, 13.25 «Ок йўли» 7.40, 16.30 «Калпакча-орол»...

9.35 «Ордадан асган шамол» телеравиали 10.30, 22.30 Фан янгилликлари...

6.00, 7.00 «Бугун эрталаб» 6.15, 7.40, 20.35 «Кримчал» 6.30 «Урғумча вади»...

8.00 «Симфа-футбол» мультсериали 8.30, 18.30 «Ик исмиги мушук»...

3.00, 11.30 «Болек ва Лелек» мультсериали 3.30, 12.00 «Синклов аклари»...

Шанба

28

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Айбобот»...

23.10 «Принцилар оиласининг шаъни»...

10.10 «Кўшлар ҳақида ҳақиқат» 11.05 «Ойдин қачалар»...

7.55 Кўрсатувлар дастури 8.00 «Давр тонин» 8.00 «Янги авлод»...

17.20 Кўрсатувлар тартиби 17.25 ТТВда сериал: «Луиза Фернандес»...

9.00 Кўрсатувлар тартиби 9.05 «Ким-антракт» 9.05 «Тотти ку»...

10.00 «30-каналда премьералар» 10.05 «Алекс Маквин сирли олами»...

5.10, 9.00, 14.00 Янгилликлар 5.10 «Тотти ку» сериали...

6.25 «Балик оми ҳақида мулоҳазалар» 6.55 «Тарзан»...

8.30, 15.35, 0.05, 02.25 Йўл назорати 8.45 «ТВ-6 кинотеатри»...

16.30 «XX асрнинг энг шов-шувли киноматериали»...

7.00 Саргузашт ва фантастика фильми «Суперменнинг янги саргузаштлари»...

12.15 «Лайлачқа» болалар соати 13.05 «Секрли микрофон»...

6.00 «XX асрнинг энг шов-шувли киноматериали» 7.00 «Суперменнинг янги саргузаштлари»...

8.00 Мусийи канал 9.00, 17.15 «Гаройиб Халк»...

4.00, 9.30 «Меннинг зоология луглими» сериали 4.30, 12.00 «Тийнризи Хилда»...

БЕШИНЧИ ГУЛШАН

(Давоми).

Бу маслахат шоҳга мақбул бўлиб, сафар тараддудига тушди. Шоҳ вазирига дедиким, бу сафар астонда сен ўғлимга ҳамроҳ бўлиб! Шоҳ сафар ашёларини тайёрлаб канчадан-қанча ким-хобу атлас, беадад сийму зар ҳамда Рустамдек паҳлавон икки юз кучли ҳамроҳ этиб, тангрига таваккал қилиб, шоҳ барча аён-лари билан шахзодани уч кунлик йўлгача бирга кузатиб, сўнг орқага қайтди. Шоҳ ўғлига оқ фотиҳа бериб, унинг пешонаси-дан ўпаркан, кўп афсус-надоматлар қилиб сўнггида деди, тангри таолло ёр бўлиб, толеъ юлдузинг бедор бўсин! Замона кулфатларидан, тасодифий офатлардан ўзи сақласин! Халлоқ эгам йўқлик уммонидан излаган дуррани мақсудингни ато қилсин! деб, ўғли билан видолашди. Саодатшоҳ олға қараб юраркан, ул ноёб матлабни талабида борарди. Улар ер юзини, денгизу, тоғу, дашту чўлни кезиб борардилар. Ниҳоят, бир карвонга қўшилиб Ҳиндистонга кириб бордилар. Мулозимлар борзор томон бориб, у ерда сотилаётган канизақларни кўздан кечирдилар. Вазир канизақларни бир-бир шахзодага кўрсатарди. Уларнинг ҳусну жамоли жаннат ҳурларидек маъваш бўлса-да, аммо шахзодага маъқул келмасди. Ниҳоят, улар Ҳинддан мақсадга эришмай йўлга чиқиб Хитой ҳудудига қадам қўйдилар. Хитой мулки ҳуснга кон мулклардан эди. Улар йўл асносида бир неча шаҳар, вилоятларни босиб ўтиб, ниҳоят Хитой мамлакатига етиб келдилар. Мулозимлар ҳар томонга елиб-югуриб, бир неча канизақларни муҳайё қилдилар. Уларнинг ҳаммаси ой юзли, гул бадан ва қора кўзли эдилар. Бариси турку, хитой, чин гўзали, бариси жон офатию, дин горати эдилар. Шаҳзода уларга бир лаҳза боғланса-да, аммо барини рад қиларди. Барча ахли карвон Хитой мулкидан чиқиб, бўлак мамлакат сари юрдилар. Улар ҳар бир мамлакатда юриб, дам олиб, охири Фарангистонга кириб бордилар. Улар барча қишлоқ ва шаҳарларни кезиб, тургиту, русу қабилалар орасида бўлдилар. Улар яхши канизақларни кидириб, даллолларга инъом-эҳсонлар берадилар. Улар айр қилиб юриб, Хурмуз орқали Рум мамлакатига доҳил бўлдилар. Бирор жойда узок турмай ўзга вилоятларга ўтардилар. Ана шундай саргардонлик билан Қора қибла номли вилоятга етишдилар. Бу вилоят Рум мамлакатига тоъбе эди. Вазирнинг кўрсатмасига кўра, элик-юзталаб канизақларни олиб келардилар. Аммо, шаҳзода уларни писанд қилмас эди. Даллоллар ўз ҳақларини олсалар-да, канизақлар рад этиларди. Ҳамма даллоллар кетган, карвон ахлидан бошқа бегона одам қолмади. Аммо бир яхши хўлқли, ширин сўзли бир киши уларга яқинлашиб, эй меҳмонлар, деб сўз бошлади. Бу мамлакатда бир бой бордир, зебу зийнатга ниҳоятда ўчдир. Унинг хизматида беш канизақлари бўлиб, ҳаммаси хусн гулзориди. Гона гул, бари жамол баъзи ичра шаробдур. Бариси жилва ичра какил рафтор, тақалумда (сўзда) тўти гуфтор. Ҳаммаси хусну, ноз ишва соҳибдур. Улар орасида биттаси хусн бобиди тенгсиз, унингдек махлуқ оламга келмагай. Аммо унинг уч холи бордир, шудир хусн матосининг зиёни. Агар харидор бу айбини канизақларда кўрса албатта, ёқтирмагай. Агар уни кимки сотиб олса, ҳаётда шод бўлмайди, деди.

Улар ул кишига уч холик канизақнинг қандай сир-асрори бор, бизга тушунир дедилар. Агар канизақларнинг ўнг юзида бир хол, чап юзида бир хол, яна бири лаби остида бўлса, бундай канизақ кишига вафо қилмайди, деди.

Мазкур уч хол ҳақида эшитган, шахзоданинг ақл-хуши бошидан ўчиб, дод-фарёд қилишига оз қолди. Дано вазир шахзодага имо-ишоралар билан таскин беради. Сийму зардан кўпроқ олиб, мақсад манзили сари юрмакни лозим топдилар. Ул киши вазир билан шахзодани бошлаб йўлга тушди. Бой келган меҳмонларни кутиб олди. Вазир кўнглидаги муддаога кўчиб канизақ ҳақида сўз очди. Канизақларни бир-бир чиқариб назардан ўтказдилар, бироқ шахзодага ҳеч бири манзур бўлмади. Шундан сўнг энг сўнгги канизақни олиб чиқдилар. Уни кўриб ҳамманинг хуши бошидан ўчди. Муҳаббат пардаси шахзоданинг ақлини ёпди, ўшал тушида кўрганни топди. Кўзида қонли ёш мавж уриб, кўнглида нола ўтини авонига чиқарди. Шахзоданинг сабру қарори кетиб, ихтиёри қўлдан кетди. Канизақ эгасидан унинг баҳосини сўрадилар. Мани хасис экан деб маломат қилманглар, деди канизақ эгаси. Бу бебаҳо дурнинг исми Жавҳардур, бинобарин жавоҳирлар у билан баробардир. Бу ерга бир тарозу келтирмакда, бир палласига Жавҳарни қўйиб, бир палласига жавоҳир солиб тортинг! Агар жавоҳирдан бир мискол кам бўлса, савдомиз барҳам топади.

Тадбиркор вазир деди, сенинг сўзларинг бизга таъсир қилди. Қўшонага бериб қанча жавоҳиримиз борлигини билгач, сўнг жавоҳирни олиб сенинг хузинга келурмиз. Улар шу сўзини айтиб, ўз манзилларига қайтдилар. Атрофини сайр қилиб юрганларида кўп зар исроф бўлиб, энди канизақ топилганда, қўллариди озгина зар қолган эди. Даллол ўртага тушиб, бу ишни иложини мен қилурман, деб сўзида давом этди; бу мамлакат ичра бир фармон раво бор, аммо ўзи ўта жафокор ва золимдур. У порога ўрганган, агар пора бермаса умри азобу кулфатда ўтади. Агар икки рақиб унинг хузурига борсалар, озгина зар бадалига ҳақни ноҳаққа чиқарадур. Шундай табдирни қўлаб, унга бирор нарса ҳада қилсанг, унинг таъби буёнга топил бўлсаю, шояд муддао ҳосил бўлса, деди. Унинг фикри барчага маъқул бўлиб, шаҳар ҳокими хузурига беш юз ашрафийни олиб бордилар. Ҳоким билан мулоқот қилиб, беш юз ашрафийни унга тутқазиб, ҳеч нарса деммай ўз масканларига қайтиб келдилар...

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.
(Давоми бор).



НАЗМ

Машғал диёрим пойтахти

**Жомолинг гул-гул очилмиш,
Истиклолдан топиб шон.
Жаҳон ахлин қолдириб лол,
Яшар элнинг фаровон.**

Нақарот

**Чаман ичра барқ урибсан,
Жаннат макон — Тошкентим.
Камолнинг кўп зийнати,
Кўз-кўз қилган — Тошкентим.**

**Осмонинг мангу соф бўлсин,
Яшнасин истикболинг.
Тинчлик ҳукмдор бағрингда,
Нурга тўлсин иқболинг.**

Нақарот

**Машғал диёрим пойтахти,
Она шаҳрим — Тошкентим.
Тенглар ичра тенг**

**Юртимнинг,
Тимсолисан — Тошкентим.**

**Бағрида бир сайр этсанг,
Дил яйрар йўқдир губор.
Улуғлиги ҳам шундадир,
Элга тилак бегубор.**

**Энди олам гардишида,
Ҳурматга сазоворсан.
Эллараро бўлиб дoston,
Зафар кучиб борарсан.**

**Ватан ишқи дилларда жо,
Сенга, шаҳрим, жон фидо.
Илму меҳнат оғушида,
Бизга бахт этмиш ато.**

Нақарот

**Азим ўлкам обрўйсан,
Бахтинг қайта яратдинг.
Қардошларинг барчасини
Ҳавас ила қаратдинг.**

**Гулзорларга тўлиб саҳни,
Жамол очган — Тошкентим.
Туронзамин кўрки бўлиб,
Камол тоған — Тошкентим.
Рустам ХўЖАЕВ**

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

Олхўри

Олхўри Ўзбекистоннинг деярли ҳамма ерида ўстирилади. Унинг 30 дан ортиқ тури мавжуд. Энг кўп тарқалган тури уй олхўриси ёки оддий олхўри.

Олхўри таркибига ўртача 13-20 фоиз қанд моддаси, 0,5-1,43 фоиз органик кислоталар, шунингдек азотли ва пектин моддалари, В, В1, В2, Р, С дармондорилари, каротин, минерал тузлар ҳамда микроэлементлар бор. Меваси ейилади, қуритилади ва консерва қилинади.

Харорат О даража атрофида олхўрини 2-3 ҳафта сақлаш мумкин. Уй шароитида олхўридан мураббо, компот, кисель, жем ва бошқалар тайёрланади.

Шафтоли

Ўзбекистонда, асосан мартда гуллайди. Меваси навиға қараб май ойдан сентябргача пишади. Меваси узоқ сақланмайди. Хона хароратида шафтолини бир ҳафта, 0°С атрофида икки ойгача сақлаш мумкин.

Шафтоли таркибига 10-15 фоиз қанд моддаси, 0,4-0,8 фоиз органик кислоталар, 0,6-1,3 фоиз пектин моддалар, 0,6 фоиз атрофида азотли моддалар, 0,9 фоиз маъдани тузлар, шунингдек А, В1, В2, Р, С дармондорилари бор.

Шафтоли янгилигида ҳамда қайта ишланган (мураббо, жем, повидло, шарбат, компот, кисель) ҳолида истеъмол қилинади. Баъзан қоқи солинади. Қоқининг 8-10 тасини қайноқ сувга ивтиб, наҳорда истеъмол қилинса, қабзиятга фойда қилади.

Абу Али ибн Сино шафтоли мевасини иштаҳа очиш, ични юмшатиш учун қўлаган.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА тайёрлади.

Бухажиб дунё

Мўъжиза ижрочиси

Ха. Бобурийлар сулоласидан энг ёрқин ёдгорлик бўлиб сеҳрли Ҳиндистонни безаб турган Тожмаҳал унинг атрофида тўпланган халқ кўзи олдида бир неча дақиқага гойиб бўлди. АFR агентлигининг хабар беришича, бу мўъжизанинг ижрочиси Ҳиндистонлик иллузионист Соркар бўлган. Хабарда айтилишича, у охириги марта 1992 йили ўз хунарини намойиш қилиб, ўтиб кетаётган поездеди кўздан йўқотган эди. Соркар бундан олдин ҳам Калькуттада қиролича Виктория ёдгорлигини, Японияда эса учинчи майдончасидаги самолётни йўқотиб тилга тушган. «Мен Тожмаҳални бир неча дақиқага кўринмас қилиб қўйдим, холос — бор-йўқ фокус мана шу. Аммо бу мендаги қандайдир илоҳий қудрат белгиси ҳам эмас, бу ишларни қилиш учун атроф борлиқ билан алоқа ўрнатиш ва фикрни бошқара билиш кифоя», дейди Соркарнинг ўзи.

Янги локатор

Украина радиофизика ва электроника институтида самовий «радиокўз» яратилди.

Ўзининг ўткирлиги билан энди у шимол йўлларида ҳар қандай навбатчининг ўрнини бажариши мумкин.

Ер сатҳининг тузилишини ма-софадан ўрғанадиган радиолока-цион тузилиши янги, саноят учун мўлжалланган нухсаси ернинг «Космос — 1766» сунъий йўлдо-шига ўрнатилади.

«Радиокўз» қоронғида ҳам, қалин булутлар оралаб ҳам кўтб кечасини кўра олади. Радио-тўлқинлар ер сатҳидан бир хил бўлиб қайтмайди.

Сигналларнинг тезкор оқими-дан куруқлик ҳам суви, ҳар хил қалинликдаги музликларни, ёриқларни, тепаликларни, музда-ги каналларни аниқ илғаш мум-кин. Янги локатор биринчи си-новдаёқ Антрактида музликлари-да йўқолиб қолган дизель — элек-троходни кутқаришда катта ёр-дам бериб ўзини оқлади.

Асосий манба

Жанубий Африка Республика-сида туяқушлар мамлакатга кат-та даромад келтирувчи асосий манбалардан бири ҳисобланади. Ҳақиқатан улар ҳар йили мам-лакат хазинасига 100 миллиард ранд, яъни 33 миллион доллар фойда келтиради. Шунинг учун ҳам бу ўлкада туяқушчилик фер-малари жуда кўп.

Туяқушчилик мамлакат хазина-сига даромад келтиришда олтин ювиш саноятдан кейинги ўринда туради. Хозир Исроил ва Зимбабведаги сингари ЖАРда ҳам мамлакатдан туяқуш ва унинг тухумини олиб чиқиб кел-тиш таъкиланган.

Тадқиқот ўтказилди

Австралияликлар меҳнат таъ-тили ҳақида энг кам ўйлайдиган халқ бўлиб чиқди. Махсуот тадқи-қот натижаларига кўра, аҳолининг 40 фоизи меҳнат таътилига чиқ-май ишлаб келмоқда. 42 фоиз ишчи қисман таътилга чиққан.

Қизик маълумот

Туркияда ўтказилган сўров на-тижалари қизик маълумотларни берди. Маълум бўлишича, мам-лакатда 13 ёшга бўлган бола-ларнинг тенг ярми ўзининг дунё-га қандай келганини билмас экан. Сўралганларнинг 40 фоиз-и ўзларини ё экин майдонидан топиб олинган, ёки лайлак олиб келган, деб ҳисоблар экан. 36 фоизи эса қандай қилиб дунёга келганини ўйлаб ҳам кўрмаган.

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА ДОМО БУЛАВ...

• Ҳақиқат ёгдусига ҳеч қандай булут бардош беролмайди. Ҳақиқатга қарши ҳаракат — энг ярамас ва жиркан ҳаракатдир.

- Туз ичган жойингга — қирқ кун салом қил.
• Туз ичиб тузлуққа тулурма.
• Тўғрилиқ одамни балодан қутқаради.

ХИКОЯТ. Бир ўғри қоронғу кечада ер остидан лаҳм кавлаб, подшоҳнинг хазинасига қиради. У ердаги олтин ва қимматбах оғварлардан бир рўмонли тўлдириб олади. Чиқиб кетиш олдидан олмосдек ялтираб турган бир нарсага кўзи тушади. Қоронғу тунда ялтираб турган бу нарсаги гавҳарий шамчиқ деб ўйлади-да, кўлига олиб ялаб кўрди. Бу — қотиб қолган туз эди. Ўғри олган нарсаларини жой-жойига қўйиб, ҳеч нарса олмай лаҳм орқали чиқиб кетди. Эртаси эрталаб хазиначи подшоҳга келиб:

— Ўғрилар лаҳм кавлаб хазинага кирганлар. Қизиғи шундаки, ўғирланган қимматбах нарсаларни яна жой-жойига қўйиб чиқиб кетганлар, — деб арз қилди.

Подшоҳ бунга таажуб қилиб:

— Лаҳм кавлаб хазинага кириб, қимматбах нарсалардан биронтасини ҳам олмай чиқиб кетган ўғрилар, келиб бунинг сабабини айтсинлар. Мен уларга ҳеч қандай жазо бермайман, — деб эълон қилди.

Хазинага кирган ўғри подшоҳнинг эълонини эшитиб унинг ҳузурига келди ва таъзим қилиб айтди:

— Хазинагизга лаҳм кавлаб фақат мен ўзим кирдим, бунга бошқаларнинг дахли йўқдир.

Подшоҳ ўғридан:

— Ҳўп, шунча меҳнат қилиб, хазинамга киргансан-у, ҳеч нарса олмай чиқиб кетганинги боиси надур? — деб сўради.

Ўғри айтди:

— Подшоҳнинг тузини татиб кўрдим, туз ҳақиқа риюя қилиб ҳеч нарса олмай қайтиб кетдим. Туз ҳақиқа риюя қилмаслик ярамас кишилар ишидир, — деб воқеани баён қилди.

Подшоҳ ўғрига инъом-эҳсон қилиб, уйига қайтишга руҳсат берди.

• Сўз — буюк қудрат. Унинг замирида одамлар бирлашади, мамлакат обод, эл фаровон бўлади. Сўз кўзга кўринмас қуролдирки, тилда адолат ва маърифат, яхшилик ва ёмонлик, меҳр-оқибат чарчланади. Ёмон сўз нафақат қалбни, балки, руҳни ҳам қароқатлади.

• Донишманд бобокалонимиз Юсуф Хос Ҳожиб айтганларидек, «Сўзни сўзламасанг, сенга қул бўлади, агар оғзингдан чиқарсанг, у сени қул қилади». Яна айтдиларки:

- Ҳамма сўзни сўз деб гапирма узок,
• Керак сўзни сўзла бўлиб кўз-қулук,
• Уқимишлини кўрдим, у оз сўзлади,
• Талай сўзладим деб ўқинди бирок.

• Қадим замонда бир шох бўлган экан. У шунчалик ёвуз эканки, одамларни мол-дунёсидан айириб, қул қилишдан завқланса, шаҳару қишлоқларнинг қулини кўкка совуриб, гўдаклар қонини оқизиб, лаззатланар экан. Бир кун шох қўшни мамлакатни забт этмоқчи бўлибди. Аммо, жангда осонлик билан мақсадга етолмабди. Уйлай-уйлай хийла ишлаштиб, сотқинларни ишга солиб, мамлакат подшоҳини ўлдирди. Узи эса маликага совчи қўйибди.

Малика орийатли аёл экан. Номусини, юртини ширин жонидан афзал билиб, элга бош бўлиб, душмандан ўч олишга аҳд қилибди. Мардонга кийиниб, майдонга чиқибди. Аммо жанг бошланмасдан олдин икки энлик мактуб ёзиб қонхўр шохга жўнатибди. Мактубда эса шундай сўзлар битилган экан: «Эй улуг шох, шунча мағрурлигинг, салоҳиятинг билан жангда енгилсанг, ахли олам бир умр аёлдан енгилган шох деб устингдан қулиб юради. Агар омад сенга боқиб қолиб келсанг, «Аёл билан тенгланган шох» деб эл-улус лъанатиға қоласан».

Шундан сўнра айёр шох маликага қарши урушишга журъат эта олмайди.

Хулоса сўзи бутуннинг нону насибаси, эл-юрти бутун.

- Билимли керакли сўзни сўзлайди,

- Кераксиз сўзни қўмиб ташлайди.

• ХИКОЯТ. Саздийнинг «Гулистон» китобида шундай ривоят келтирилади. Бир сафарга чиққан маҳалимда софдил кишилар менга ҳамроҳ бўлдилар. Улар гоҳо аскиявозлик қилишар ва гоҳо ҳикматли шаярлар ўқишарди. Дарвешларнинг ички дунёсидан воқиф бўлмаган ва уларнинг дардидан беҳабар бир обид то Бани Хилол работига етқунга бизга ҳамроҳ бўлиб борди. Бани Хилол работида араблар қароргоҳидан бундай рангли бир бола чиқиб, шу қадар ёқимли овоз билан қўшиқ айтишга қиришдики, самодаги қушлар ерга тушдилар. Обиднинг туяси уни ағдариб ташлаб, сахарга қараб қочди. Мен дедим: «Эй шайх, боланинг қўшиғи ҳатто хайвонга ҳам таъсир этдию, лекин сенга таъсир этмади».

Байт:

Билдингми, тонг чоғида нима дер менга булбул:

«Нечук одам саналгай севгидан беҳабардил?»

Араб шеърин эшитган туя завқидан ўйнар,

Сенда завқдан асар йўқ, хайвон экансан буткул».

БИЛИБ ҚҲЙГАН ЯХШИ

Умрнинг чегараси борми?

Юз йил олдин инсон ҳаётининг давомийлиги 49 ёшга тенг эди. Бугун эса бу рақам 76 ни ташкил этапти. Келажақда 2 ёки 3 баравар ошиши мумкин экан. Калифорния университети (АҚШ) тадқиқотчилари ана шундай хулосага келишди.

Доктор Рой Уотфорд узок яшаш учун кам калорияли овқат истеъмол қилиш керак, деб ҳисоблайди. 1935 йилдаёқ шу тарзда ҳурақ еган хайвонлар ўз қаёмларига нисбатан узок яшаганлиги қайд этилган. 60-йилларда сичқонларда ўтказилган 6 лаборатория тадқиқотлари бундай озуқа еб ўсган жониворлар ҳаётининг давомийлиги 2 бараварга ошганлигини тасдиқлаган. 90-йилларнинг охирида худди шундай натижаларни манакалар билан ўтказилган тажрибалар чоғида олтилар кам калорияга эга бўлган парҳез ҳаёт ўз уйидаги оширининг расмий усули деб қабул қилишди.

Олимларнинг қузатувиға кўра кам калорияли парҳез танани яхши ҳолатда сақлаш имконини беради. Узок умр кўриш учун ҳар хил ширинликлардан воз кечолмаётганлар

генетиклар ютуқларига умид қилиб қўя қолиши мумкин. Сўнги тадқиқотлар инсоннинг ҳар бир хромосомалари ичда муҳим ҳужайра тана ўлчагичларини топишга имкон берди. Вақт ўтиши билан уларнинг қисқариши кузатилди.

Калифорния университети генетиклари мустақил ўзгаришларни бошқариш ёрдамида чувалчанлар тана ўлчагичларининг қисқариш жараёнини тўхтатишга мўссар бўлгандилар. Чувалчанлар ҳаётининг давомийлиги икки мартага кўпайганидан кейин бу каби тажриба майдонларда қўллана бошланди. Тажрибалар муваффақиятли ўтгач, тез орада инсон ҳаётини 200 ёки 300 йилга узайтириш имконини берувчи дорилар пайдо бўлса не ажаб?

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ

БҲШ ВАҚТИНГИЗДА



Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Қадимда араблардан бошқа шарқ халқларига берилган ном. 2. Механизмнинг барча қисмлари ўрнатилган бўлган. 3. Россия автомобили русуми. 4. Баланд қирлик ер. 5. Автомобиль ёритгичи. 6. Ўзбек халқ мақоми. 7. Товушнинг қўйлашдаги паст-баландлик, жарангдорлик даражаси. 8. Ов ити. 9. Куч ўлчоу бирлиги. 10. Мумтоз шоира Увайсий меросига мансуб машур чистон жавоби. 11. Ҳинд аёлларига хос миллий либос. 12. Эркин Воҳидовнинг

«Бепоеб кенгликда Чарх уради абад Улкан юрак шаклидаги Ер...» сатрлари билан тугалланган достони. 13. Мақолдан: ...—нинг боши тил. 14. Мўғилистондаги чўл худуди. 15. Адоват натижасида юзага келган ноҳуш ҳолат. 16. Сувни зарарсизлантириш, ёр ва қозонни оқартириш хусусиятиға эга бўлган

газ модда. 17. Ўзбек мумтоз шоираси. 18. Атоқли ўзбек адиби Ойбекнинг асл исми. 19. Борлик, атроф муҳит. 20. Шаҳарнинг жумла намози ўқиладиган катта масжиди. 21. Бирор фаолиятни амалга ошириш учун аввалдан белгиланган тартиб.

Муаммонома

Шакл атрофидиға рақамларда шарқ халқ хикматларидан бири ифодаланган. Уларни аввал қўйидаги очкич сўзларни топиб, жавоблари асосида ҳарфлар билан алмаштириб билиб олинг.

- 1. Йил фасли — 1, 3, 13, 9, 11.
2. Мақолдан: Жондан кечмасанг — жонона қайда, тоққа чиқмасанг — 4, 14, 15, 3, 7, 3.
3. Фаллакорликдаги қизгин мавсум — 14, 11, 6, 5.
4. Субҳидам пайти — 10, 9, 7, 12.
5. Бирор мақсадға эришиш йўлидаги фикр, мақсад — 8, 9, 2.
Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

Газетанинг 13 июль сониди берилган бошқотирманинг жавоблари:

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. «Тумарис». 2. Ном. 3. «Мушора». 4. Аруз. 5. Зулайхо. 6. Қитға. 7. Мудбир. 8. Хофиз. 9. Шохсанам. 10. Рустам. 11. «Гулистон». 12. Латифа. 13. Гулхайи. 14. «Широк». 15. Навоий. 16. «Ойгул». 17. «Оташқада». 18. Оғаҳи. 19. Хоразмий. 20. Қасида. 21. Мажлисий. 22. Эртак. 23. Назм. 24. Мақол. 25. Куллиёт. 26. Бобур. 27. «Шохнома». 28. Мажд. 29. Тазкира.

«02»: ҲОДИСАЛАР

«Мехнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик», — деб бежиз айтилмаган. Лекин орамизда нопок йўллар билан бели оғирмай пул топишни қузлаган бекорчилар учраб туради. Мирзо Улугбек туманидаги Асака кўчасида 3.Н. исми йигит хусусий қорхона иччиси 3.З.нинг бўйнидаги сариқ металдан ясалган қимматбахо занжирни юлиб олиб, қочиб кетган. Биронинг буюми буюрмаслигини ўйламаган бу йигит ИИБ ходимлари томонидан тезда қўлга олинди, унга тегишли қоралар қўрилмоқда.

• Ҳуртошларимиз орасидаги айрим кишилар баъзи фирибгарларнинг алдов ваъдаларига ишониб, меҳнат билан толган даромадини бир зумда кўкка совраётди. Мирзо Улугбек туманида яшовчи А.К. В.С.ни алдаб АҚШга виза очиб бераман деб, 2.200.000 сўм пулини олиб қайтаргани ҳаёлиға ҳам келтирмай юрибди. Фирибгарнинг найранги билан тўқнашган жабранувчи пўшаймон билан милиция мурожаат қилди. Содир эгган жиноят юзасидан суриштирув ва тергов ишлари давом этмоқда.

• Ҳаётдаги бир дақиқа эътиборсизлик бутун умр сабоқ бўлиши мумкин. Транспорти воситасини бошқараётган ҳайдовчилардан нийоятда хушёрлик талаб этилади. Акс ҳолда кўнгилсиз воқеа рўй бериши ҳеч гап эмас. Сирғали туманида ҳайдовчи Т.Д. «Нексия» русумли автоуловни бошқариб кетаётди, пийдани тўсатдан уриб юборди. Натижада фуқаро Л.А. тан жароҳати олиб, шифохонада оламдан ўтган бўлса, ўша ерда яшовчи П.Е. йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойда вафот этди. Автомашина бетон тўсинга урилиб, ағдарилган. Ҳайдовчи бурун суягининг синиши таъсиси билан касалхонага ётқизилди. Содир бўлбахтсиз воқеа юзасидан гишли қоралар қўрилмоқда.

• Сирғали туманида ҳеч қаерда ишламайдиган фуқаро З.К. тумандаги автомашина ва эҳтиёт қисмлар бозорида хусусий тадбиркорлар Н.М. Т.С. ва А.Х.ларни кўрқитиб, товламачилик йўли билан 67.000 сўм пулларини олган вақтда, далилий ашё билан ушланди. Ушбу зўравонлиқни амалга оширган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб суриштирув ва тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

• Миробод туманида А.А. исмли шахс тожикистонлик ҳамтовоғи Қ.К. билан тадбиркор И.О.нинг ишга кетиш олдидан эшикни очидан фойдаланиб, уйига бостириб қирдан ҳамда пичоқ ёрдамида кўрқитиб, 900.000 сўм пули, 1000 АҚШ доллари ва турлий хил тилла тақинчқларини олиб кетган. Қонун химоячилари бу босқинчилик жиноятини содир этган зўравонларни тезда ушладилар. Энди бу кимсалар одил суд олдида жавоб беришига тўғри келади.

Замон ЭШОНҚУЛОВ, Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази жамоати мухбири.

Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимлиги Шароф Рашидов номили маҳалла оқсоқоли Саидқарим ака ҚОСИМХУҲАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия ихзор қилади.

Advertisement for Akmal Akromov, including contact information, address, and a list of services provided.